



QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклар олинг!



ДАВЛАТ БАЙРОҒИ — МИЛЛАТ ИФТИХОРИ

Байроқ — давлат рамзи ҳисобланади. Давлатлар тарихининг барча давларида байроқ Ватан тимсоли сифатида муқаддас саналган. Байроқ остида эл бирлашган, жипслашган. «Давлат байроғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир», деб белгилаб қўйилган. Миллий гуруримиз саналган байроғимиз ўзда бутун Ўзбекистон халқининг асрий орзу-истаклари, ғайрати ва шижоатини мужассам этган.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Чорсу қўрғонида байроғимиз қабул қилинган кун муносабати билан «Адолат» СДП Марказий аппарати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳамкорлигида «Байроғимиз —

фахримиз!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети бошлигининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полков-

ник Икромжон Маҳмудов ҳамда «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Рахмонов очиб беришди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муҳаммадхон Валиев «Давлатим байроғи — фахрим, гурурим!» мавзусида қилган маърузасида байроғимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, ободлик, миллатлараро тотувлик, кут-барақа, биз эришаётган бемисл ютуқлар ва келажакка бўлган мустақкам ишонч рамзи сифатида қалбимизга туганмас ифтихор бағишлаши хусусида сўз юритди. Йиғилишда ижти-

мой-гуманитар фанлар кафедраси доценти Нодира Расулова «Давлат байроғи — миллат ифтихори», Давлат ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқлари кафедраси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа фанлар доктори Элдор Ҳомидовнинг «Ўзбекистон Республикаси байроғи — халқимизнинг ажралмас ифтихори» каби маърузалари тингланди.

Тадбир давомида йиғилганлар эътиборига ҳавола этилган куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига байрамон руҳ бағишланди.

«Адолат» СДП Маtbуот хизмати

Муносабат



Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари,
«Адолат» СДП фракция раҳбари

Юксалиш босқичига дадил қадам

Жаҳонда турли зиддиятлы воқеалар юз бераётган бир даврда Ўзбекистон ривожланиш, ўсиш, тараққий этиш йўлида дадил қадамлар билан оидламоқда. Бугун давлатимиз ислохот ва ташаббуслар майдонига айланди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон нафақат қўшни қардош мамлакатлар билан, балки дунёдаги барча давлатлар билан ўзаро сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва стратегик алоқаларни ривожлантириш йўлидан бормоқда. Юртимизда қисқа вақт оралиғида иккита муҳим ва йирик халқаро сиёсий тадбирлар бўлиб ўтди.

Шундан бири, 11 ноябрь куни кўҳна замин сайқали Самарқанд шаҳри маданияти, урф-одатлари, мақсадлари муштарак бўлган туркий давлатларнинг учрашув майдонига айланди. Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг йиғилиши бугун дунё жадал ўзгаришларга юз тутаетган бир даврда, туркий давлатлар тараққий йўлида ўзаро бирдамлик билан ҳар томонлама муносабатларни мустақкамлаб бораётган бир пайтда мустақкам алоқалар ва келишувларга хизмат қиладиган конструктив мулоқот майдонига айланди.

Бугунги кунда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва қузатувчи давлатларнинг аҳолиси 170 миллиондан ортқ эканлиги, 4,5 миллион квадрат километрлик катта ва муҳим геосиёсий ҳудудда жойлашиб, улкан минтақани ўз ичига олиши ва жаҳон иқтисодиётидаги ўрни юқори кўрсаткични ташкил этиши ҳам эътиборли.

Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд саммитида 10 дан ортқ муҳим ҳужжатлар қабул қилиниб, ташкилотга аъзо ҳамда қузатувчи давлатлар иштирокида ўзаро иқтисодий, транспорт, логистика, рақамлаштириш ва маданий соҳалар бўйича келишувларга эришилиб, янги тарихий давр учун мустақкам ҳамкорлик алоқалари яратилди. Айниқса, иқтисодий соҳасини тубдан такомиллаштириш, савдо, инвестиция ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, стратегик мақсадларни мустақкамлаш учун «Янги иқтисодий имкониятлар ҳудудини» барпо этиш ҳамда ушбу мақсадларни амалга ошириш мақсадида ҳар йили «Халқаро туркий иқтисодий форуми»ни ўтказиш ташаббуси давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилди. Ҳақиқатан, ушбу форматдаги иқтисодий форум ўтказилиши туркий давлатлар ўртасидаги савдонинг кенг доирада ўсишига замин яратади.

Бундан ташқари, ташкилот томонидан амалга оширилаётган ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида сиёсат, хавфсизлик, савдо, инвестиция, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, ахборот технологиялари, туризм, инновация, таълим, тиббиёт ва ёшлар ҳамда бошқа соҳалар бўйича вазирлар даражасида алоҳида кўмиталар тузиш таклифи жуда муҳим ташаббус эканлигини алоҳида қайд этиш ўринли. Бу келгусидаги белгиланган вазифаларнинг юқори натижалар билан бажарилишига муносиб хизмат қилади. Бу йўналишни янада такомиллаштириш мақсадида Оқсоқоллар кенгашини тузиш орқали Котибиятининг ўрни ва таъсирини ошириш, давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинаётган барча қарор ва ҳужжатларнинг қатъий назорат тизимини кучайтириш ташаббуслари давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилиб, барча давлат раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Албатта, бу каби ташаббуслар Туркий давлатлар ташкилотининг келгусидаги фаолиятини янада ривожлантириш, томонлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик муносабатларини мустақкамлаш, ҳамкорликларнинг ҳар томонлама тараққий этишига асос бўлиб хизмат қилади. Ташкилотга Ўзбекистон раислиги даврида қабул қилинган «Туркий дунё нигоҳи — 2040» концепцияси ҳамда «Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси», шунингдек, асосий ҳужжат Самарқанд декларациясининг қабул қилиниши тарихи, тили ва маданияти бир бўлган туркий халқлар ҳаётини янада юксак ривожлантиришга, туркий дунё цивилизациясининг янги юксалиш босқичига кўтарилишига мустақкам замин бўлади.



ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ВА ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Бундан ўттиз йил муқаддам халқимиз ва кенг жамоатчилик билан маслаҳатлашилган ҳолда умумхалқ муҳокамасидан кейин ҳар томонлама ва чуқур ўйлашиб, қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистонда барпо этилаётган янги жамиятнинг ҳуқуқий кафолатларини шакллантирувчи ҳамда мустақкамловчи муҳим ҳужжат сифатида эътироф этилди. Шу боис 1992 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган тарихий кун сифатида юртдошларимиз қалбидан чуқур жой эгаллаган саналардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан «Адолат» СДП томонидан ўтказилаётган «Конституция ранглар жилосида» расмлар кўрик-танловининг республика саралаш босқичи бўлиб ўтди. Худудлардан жами 1806 та ижодий ишлар республика комиссиясига тақдим этилди. Комиссия аъзолари томонидан ижодий ишлар баҳолашиб, юқори кўрсаткичга эга бўлган 129 та расмлар саралаб олинди ҳамда альбом шаклида нашр этиш учун ажратилди. Танлов ўқувчи-ёшларнинг Конституцияни ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширишга хизмат қилди.



Муаммо билан юзма-юз

Мактаблар қишга тайёрми?

Ажаблантирган нарса шу бўлдики, биронта синфда иситиш тизими ишламайди. Батарейлар совуқлигича турибди. Ҳаммаси мактаб қозонхонасидаги ҳолат кўздан кечирилганда аён бўлди. Бу ердаги биронта қозон ишламас экан. Атроф ҳам қаровсиз ҳолатда. Яқин орада ҳеч ким йўламаганлиги сезилиб турибди.

— Қозонлар яроқсиз ҳолатда, уларни янгилаш керак, — дея изоҳ берди мактаб директори Б. Қодиралиев. — «Очиқ бюджет» орқали бир миллиард сўмдан ортқ маблағ ютганмиз. Бугун-эрта Тошкентдан янги қозонлар етказиб келинади...

Аммо вақт ўтиб бормоқда-ку. Ҳали қозонларни ўрнатиш, сошлаш, синовдан ўтказиш керак бўлади. Мазкур жараёнлар ҳам муддат талаб қилади. Наҳотки, шу пайтгача бу нарса ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган?

Директорнинг айтишича, қозонлар кўмир ёрдамида иситилади. Ҳозиргача 90 тонналик захира жамғарилган. Яна 50 тонна ёқилғи зарур. Бу масаланинг ечимини ҳам тезда топиш лозим.



2023 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Боғланиш учун телефонлар:
91 165-02-66, 97 900-72-15

Обуна индекси — 100

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ:



Ютуқлар ва режалар

“Адолат” СДП фракцияси ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Худудларда йўловчи ташиш транспорти тизими йўлга қўйилганлик ҳолати ва истиқболдаги режалар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда йўловчи ташиш транспорти тизимини ривожлантириш соҳасида Транспорт вазирлиги томонидан қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, автомобиль транспортида йўловчи ташувчи 3502 та тадбиркорлик субъектлари ва 32976 та жисмоний шахслар томонидан жами 110808 та автотransпорт воситаларида йўловчи ташиш хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда республика бўйича аҳолининг ўртача 22 фоизи, (Тошкент шаҳрида 33 фоиз) жамоат транспортидан фойдаланади. Жумладан, республикада йўлга қўйилган 3447 та йўналишларнинг 1172 тасида автобус, 305 тасида микроавтобус, 1970 тасида эса “Дамас” автомобиллари қатнови амалга ошириляпти.

Транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида 112 та инвестиция лойиҳа доирасида 522,2 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағ ўзлаштирилмоқда. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари якуни билан худудларда республика бўйича 586 та янги автобус ва микроавтобуслар харид қилиниб, йўловчи ташиш йўналишларига жойлаштирилди.

Шу даврда Қорақалпоғистон Республикасида 15 та, Бухоро вилоятида 2, Навоий вилоятида 3, Наманган вилоятида 5, Самарқанд вилоятида 5, Сурхондарё вилоятида 1, Сирдарё вилоятида 4, Фарғона вилоятида 4, Хоразм вилоятида 2, Тошкент вилоятида 12 та ва Тошкент шаҳрида ҳам 12 та янги ички автобус йўналишлари ташкил этилди.

Шунингдек, Бухоро вилоятининг Олот ва Бухоро туманларида 2 та янги замонавий тўхташ бекатлари қурилиб, йўловчилар учун фойдаланишга топширилди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилган 2 та автостанциялар фаолияти йўлга қўйилди.

Тадбирда аҳолига жамоат транспорти хизматларини кўрсатиб келаётган ташувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида январь-сентябрь ойларида худудларда норентабель бўлган шаҳар атрофи ва вилоят ичи шаҳарлараро автобус йўналишларида кўрган зарарлар ўрнини қоплаш учун маҳаллий бюджет маблағларидан 4 610,0 миллион сўм, шаҳар йўналишларида фуқароларнинг айрим тоифалари бепул ташилиши натижасида кўрилган зарарлар ўрнини қоплаш учун 4 802,2 миллион сўм субсидиялар ажратилгани қайд этилди.

Бугунги кунда “Автоматлаштирилган транспорт тўлов тизими оператори” МЧЖ (АТТО) томонидан дастлаб вилоят марказларида – Гулистон, Қарши, Урганч, Нукус, Самарқанд, Андижон шаҳарларидаги автобус ва микроавтобусларга 686 та валидатор ва 44 та мобил валидаторлар ўрнатилиб, автоматлаштирилган тўлов тизимига ўтказилди. Йил якунига қадар бундай тўлов тизими қолган вилоят марказларидаги автобус ва микроавтобусларга ҳам босқичма-босқич татбиқ этилади.

Жорий йил якунига қадар эса ўз ечимини

кутаётган қатор ишлар амалга оширилади. Хусусан, 85 дона ўрта сифмли “SAZ LE-60” русумли ва 190 дона катта сифмли “MAN” русумли автобуслар харид қилиш, 17 та ер усти жамоат транспортининг янги йўналишларини жорий этиш ҳамда 50 та тирбанд чорраҳаларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш белгиланмоқда.

Шу билан бирга, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ижроси юзасидан қўшни давлатлар билан тўғридан-тўғри боғлайдиган туристик автобуслар қатновини жорий этиш ҳам назарда тутилган. Бу борада жорий йилда қўшни давлатлар билан музокаралар олиб бориш, музокараларнинг ижобий натижасига кўра, мамлакатимиз томонидан бажариладиган чоралар учун тармоқ жадвал ишлаб чиқиш мақсад қилинган.

2022 йил якунига қадар эса қишлоқларни туман марказлари билан, туман марказларини вилоят марказлари билан боғлайдиган жами 200 та янги автобус йўналишларини ташкил этиш белгиланган. Қолаверса, халқаро автобус йўналишларини қайта тиклаш бўйича Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасида “Самарқанд – Иргели” ва “Янгийўл – Иргели” мунтазам халқаро автобус йўналиши очилган назарда тутилган. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида “Янгиер – Шахристон” халқаро автобус йўналишини очил режалаштирилган.

Тадбир давомида амалга оширилган ишлар эътироф этилиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича зарур тавсиялар берилди. Қўллаб-саволлар ўртага ташланиб, уларга мутасаддилардан атрафлича жавоблар олинди.

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ВА ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Махфират ХУШВАҚТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ўтган 30 йиллик давр мобайнида Бош қомусимиз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодийни қуриш, халқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, миллий қонунчилик тизимини шакллантириш ҳамда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда рўй бераётган ҳаётий ўзгаришлар, турли соҳалардаги ислохотлар халқимиз турмуш тарзида туб бурилиш ясамоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсадлари доирасида халқимиз манфаатлари йўлида амалга ошириляётган ҳаётий ташаббуслар конституциявий тамойил ва қондаларга мувофиқ тарзда амалга ошириб боришмоқда.

Хусусан, жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотларни ҳаракатга келтирувчи кучга айланди.

Конституцияимизнинг ҳаётий негизи нечоғли мустақкам экани ўз тасдиғини топди. Босиб, бугунги ислохотлар шиддати ҳамда кўп сонли юртношларимиз тақдиф ва истакларидан келиб чиққан ҳолда айни кунларда Бош қомусимизга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Халқимиз тақдифлари асосида киритилётган ўзгаришлар орқали Бош қомусимиздаги конституциявий қондалар фуқароларимизнинг кундалик ҳаётда тўлақонли ишловчи нормалар сифатида қатъий белгилаб қўйилмоқда. Чунки Асосий қонунимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳраб қўйилган. Энг асосийси, одам-

лар ислохотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис қилиш имконига эга бўлмоқда. Бош қомусимизга киритилётган ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этаётган, шунингдек, мамлакатимиз мустақилигини мустақкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини юксалтириш, муҳофаа қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаятган юртношларимизни тақдирлаш мақсадида “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисидаги Президент фармони қабул қилинди.

Албатта, Янги Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кадр-қиммати улугланадиган адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, Асосий қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни қонунларга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларида фаол иштирок этиб келаятган юртношларимизнинг бундай юксак муқофот билан тақдирланиши улар кунглида юрт тақдирига бўлган дахлдорлик ҳисси янада юксалишига хизмат қилади.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бундай юксак муқофот билан нафақат мамлакатимиз фуқаролари, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин. “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонлари Конституция қабул қилинган кун муносабати билан жойларда ўтказиладиган тадбирларда тантанали равишда топширилади.


Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг “Халқимиз билан бошлаган демократик ислохотлар йўлини янада қатъий давом эттирамиз ва бу йўлдан ҳеч қачон ортага қайтмаймиз! Янги Ўзбекистонни биргаликда, албатта, барпо этамиз!” деган ғояси бугун замон билан ҳамнафас тарзда янгиланаётган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормалари асосида янада тараққиёт этади. Бу йўлда барчамиз бир жон-у бир тан бўлиб хизмат қиламиз.

Депутат аралашгач

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойдин Абдуллаева қабулига жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳар Миробод тумани, Мирсалихова кўчаси, 5-уй, 11-хонадонда истико-мат килувчи фуқаро Елена Сабирова мурожаат билан келган эди.

Газ таъминоти тикланди

Камола ТОШҲУЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдамчиси



Суҳбатда маълум бўлишича, 2017 йилда унга нисбатан табиий газ бўйича йирик миқдорда қарздорлик белгиланган бўлиб, газ таъминотидаги узич қўйилган. Вазиятни аниқлаштириш ва масалани ҳал этиш мақсадида фуқаро Е.Сабирова аввалгига туман ва шаҳар, кейинчалик эса Бош прокуратурага мурожаатномалар йўллаган бўлишига қарамай, ҳеч қандай натижага эриша олмаган. Шундан сўнг фуқаро Е.Сабирова ўзининг қонуний ҳақ-ҳуққини ҳимоя қилиш мақсадида ушбу масала юзасидан судга мурожаат қилган. Уз ўрнида суд масалани фуқаро Е.Сабирова фойдасига ҳал этган бўлиб, табиий газ истеъмоли бўйича қарздорлик ноқонуний деб топилган ва фуқаро Е.Сабировани газ таъминотига улаш ҳақида қарор чиқарилган.

Суднинг одилона қарори эса узоқ вақт бажарилмади келди. Йиллар давомида фуқаро Е.Сабирова бормаган жойи, тақиллатмаган ашиги қолмади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойдин Абдуллаеванинг аралашуви билан юқоридаги масала ўзининг ижобий ечимини топиб, Е.Сабирова газ таъминотига уланди.

Масаланинг ижобий ечимидан мамнун бўлган Е.Сабирова Олий Мажлис Қонунчилик палатасига миннатдорлик хатини йўлади.

САЙЛОВЧИЛАР МАМНУН

Аҳоли муаммоларини ҳал этиш, уларнинг оғирини енгил ва мушкулни осон қилишда партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги вакилларнинг ўрни бекиёс.

Жумладан, Навоий вилояти Хатирчи тумани “44-Сарой” сайлов округидан халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашига сайланган Нилуфар Иргашеванинг депутатлик фаолиятидан сайловчилар мамнун.

Жорий йилнинг ўтган даврида депутатнинг сайловчилар билан 34-мартаба учрашуви ўтказилди. Унда фуқаролардан жами 66 та мурожаат келиб тушди. Мурожаатларда кўтарилган муаммолар тумандаги мутасаддилар иштирокида ҳал этиб келинмоқда.

Жумладан, “Куччи” МФЙга қарашли Гулкент қишлоғининг чекка худудларида хомийлик ёрдами ва аҳолининг ташаббуси билан ички йўлларнинг 1 км дан ортиқ қисмига шағал ётқизилди. Шунингдек, “Олтинсой” МФЙга қарашли Хонақо, Буркут қишлоқларида жойлашган 48-, 78-, 76-умумтаълим мактабларида ичимлик суви сақлаш учун катта ҳажмли махсус идишлар ташкил этилди. Туман молия бўлими билан ҳамкорликда худудда жойлашган 6 та умумтаълим мактабларининг барчаси интернет тизимига уланди.

Бундан ташқари касби шифокор бўлган депутатимиз Нилуфар Иргашева ночор фуқароларнинг бепул даволаниши ва соғлом ҳаётга қайтиши йўлида ибратли саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.

Хусусан, “Найман” МФЙда яшовчи, 1987 йилда туғилган эҳтиёжманд фуқаро Зухра Сиддиқованинг соғлигини тиклаш юзасидан депутат қилган мурожаати бўйича Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда беморга имтиёзли ордер ажратилди. Шунингдек, ушбу маҳаллада яшовчи эҳтиёжманд фуқаро Ислон Бобоқулов фарзанди Нафиса Бо-



боқуловада аденоиднинг 3-даражаси туйфайли амалиёт ўтказишда ёрдам сўраган. Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида мазкур амалиёт бепул ўтказилди. Тумандаги “Сарой” МФЙда яшовчи 2-гурух ногирони Умида Раҳимова санаторияда даволанишни сўраб мурожаат этган. Хатирчи туман ижтимоий бўлими томонидан фуқарога йўлланма берилди.

— Сайловчилар муаммоларини ўз вақтида тизкорлик билан ҳал этиш вақт ва кунт талаб этади. Қўвонарлиси, бир оила ёки фуқаронинг муаммосини ҳал этганимизда уларнинг кўзларидаги қувонч ва мамнунлик ҳиссини кўриш барча чарқоқларни йўқотди. Умуман олганда, ҳар бир фуқарони ҳаётдан ва давлатдан рози қилиш депутатнинг бош мақсадида айланиши керак, — дейди Нилуфар Иргашева.

Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати

ДИҚКАТ АКЦИЯ!

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ 2022 ЙИЛ 2 ДЕКАБРЬ

“БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!”

САХОВАТЛИ ИНСОНЛАР ҚОНИ БЕМОР БОЛАЛАР ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛАДИ!

09:00 дан — 13:00 гача
+998 99-520-13-85
+998 99-421-93-78
www.adolat.uz

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИНГ!

А.ТАДЖИБАЕВ,
Олий Мажлис Сенати биноларида ЁХТТБ мутахассиси,
катта сержант

Куз-қиш мавсумида газ ва электр тармоғидан, иситиш мосламаларидан оқилона фойдаланиш, ёнгин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя этиш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 майдаги ПҚ-2992-сонли қарорининг 6-банди талаблари ижросини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Сенати биноларида ЁХТТБ ходимлари томонидан Яшнобод тумани худудида «Ёнгинлар профилактикаси кун» ўтказилди.

Тадбир доирасида Абдулла Авлоний номидagi МФЙ биносидa фуқаролар билан газ исидан заҳарланиш, газ ва ҳаво аралашмасининг қақнаши билан боғлиқ турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва масканларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича давра суҳбати ташкил этилди. Мутахассислар томонидан фуқароларда ёнгинга қарши кўникмаларни шакллантириш мақсадида ёнгин ўчириш амалий машғулоту ўтказилди.

Муаммо билан юзма-юз

Мактаблар қишга тайёрми?

“Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари А.Рахмонов, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати Ш.Каримов, Фарғона шаҳар Кенгаши депутати Б.Аҳмадалиев ҳамда партиясининг Фарғона шаҳар кенгаши раиси Ш.Аҳмедова Фарғона шаҳридаги умумтаълим мактабларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги, болалар хавфсизлигини таъминлаш учун умумтаълим мактаблари атрофидаги автомобиль йўлларида амалга оширилган ишлар, умумтаълим мактаблар яқинидаги савдо шохобчаларида таққиланган маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш бўйича қилинган ишлар ҳолатини ўрганишди.

Хусусан, синф хоналари, спорт зал, кутубхона, фаоллар зали, ошхона, тиббиёт хонаси, ундаги дори-дармонларнинг мавжудлиги, сақланиш ҳолати, ўқувчилар ўрасида ўтказилаётган тиббий кўриқларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилди.

“Адолат” СДП туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари таркибидан тузилган тузилган ишчи гуруҳ Фарғона вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ўрганиш ишларини олиб бориб, аниқланган камчиликларни тегишли тартибда бартараф этиш чораларини кўради.

Бунёд АҲМАДАЛНОВ, Фарғона шаҳар кенгаши депутати



Кунлар совий бошлаши билан электр энергияси ва табиий газга бўлган талаб ҳар доимидан-да ошади. Баъзида носоз ва қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланиш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик ёки эҳтиётсизлик ортидан ёнғин билан боғлиқ турли кўнгилсизликлар келиб чиқиши мумкин. Шу билан бир қаторда жойларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларида эътиборсизликка йўл қўйилганда ҳам шундай ҳолатлар рўй беради.

Хўш, жорий мавсумни беталафот ўтказиш бўйича таълим тизимида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда? Ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида “Адолат” СДП Сурхондарё вилоят кенгаши вакилларидан таркиб топган ишчи гуруҳлари вилоят мактабларидаги вазиятни ўрганиб чиқишмоқда.

Хусусан, партиясининг Сурхондарё вилоят кенгаши ходимлари ва халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутатлари бошчилигидаги ишчи гуруҳ шаҳардаги умумтаълим мактабларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги юзасидан қилинган ишларни ўрганиди.

Ўрганишларга кўра, Термиз шаҳар халқ таълими бошқармаси тасарруфидидаги таълим муассасаларини 2022-2023 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар режасига мувофиқ, маҳаллий бюджет ҳисобидан маблағ йўналтирилган. Вилоятда куз-қиш мавсумига тайёргарлик тадбирлари режасини ишлаб чиқиш олдида халқ таълими тизимидаги 26 та мактаб, жумладан, 2 та махсус мактаб ва 2 та мактаб-интернат, 1 та Меҳрибонлик уйи, 1 та «Баркамол авлод» болалар маркази ҳолати тўлиқ ўрганиб чиқилди. Шунга мувофиқ бажарилмаган ишлар аниқ ҳисоб-китоб қилинганлиги аниқланди.

Ўрганишларга кўра, шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган тадбирлар режаси асосида 26 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари бажарилган. Муассасалардаги иситиш тизимлари билан боғлиқ камчиликлар бартараф этилиб, биноларнинг томи таъмирланиб, синган ойналар янги-ланганлиги маълум бўлди.

Камчиликлар бартараф этилаётган бўлса-да, аммо куз-қиш мавсумига ўтиш жараёнида камчиликларга йўл қўяётган умумтаълим мактаблари борлиги маълум бўлди.

Хусусан, шаҳардаги 1-сонли умумтаълим мактабидидаги ўрганишларда мактабда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ниҳоятга етмаганлиги аниқланди. Синфхоналар мавсумга тайёрланмаган. Иситиш қозонхонасининг таъмирланиш даражаси ҳам қониқарли эмас. Темир қувурлар ҳимоя воситаси билан қопланмаган. Баъзи синфхоналарнинг дераза ойналари синган, эшиклар зич ёпилмайди. Дудбуронлар ўт учирувчилар томонидан текширилмаганлиги аниқланди. Шунингдек, 11-, 4-умумтаълим мактабларидаги текширувларда газ босими пастлиги, шаҳар ўт учирувчилари томонидан дудбуронлар бўйича хулоса берилмаганлиги маълум бўлди. Ҳаво ҳарорати пасайган бўлса-да, 9-умумтаълим мактабидида ҳали қозонхоналар ёқилмаган. Шаҳардаги 13-сонли умумтаълим мактабиди дераза ромлари яхши ёпилмаслиги, 18-сонли умумтаълим мактабиди эса дераза ойналари таъмирталаблиги, тахта ромлар жуда эски эканлиги аниқланди.

– Шаҳардаги мутасадди идоралар мутахассислари, депутатлар, жамоатчилик вакилларидан иборат махсус ишчи гуруҳ халқ таълими муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилишини мониторинг қилиб бормоқда, – дейди халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати Назокат Хидирова. – Мониторинг натижалари ишчи гуруҳнинг маҳаллий ҳокимлиги ва тегишли раҳбарлар иштирокидаги йиғилишда муҳокама қилиниб, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш чоралари қўрилади.

Ўрганиш натижасида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича депутатлар томонидан таълим муассасалари мутасаддиларига тушунча ва тавсиялар берилди.

Фахриддин ОРИФХОНОВ, Сурхондарё вилоят кенгаши раисининг мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари

Ҳавонинг совий болаши билан умумтаълим мактабларида иситиш тизимидаги мавжуд муаммоларни юзага чиқаради. Агар мактаблар куз-қиш мавсумига етарлича тайёргарлик кўрсалар, ўқувчилар иссиқ хоналарда таълим олишлари мумкин, агар бунга лоқайдлик билан қаралсан бўлса, унда юзага келадиган ҳолатни тасаввур этиши қийин эмас.

Халқ депутатлари Қува туман Кенгаши депутати М.Раҳимов, партия туман кенгаши қошидаги «Аёллар қаноти» раиси М.Султонова томонидан мажор масала юзасидан тумандаги 50-, 67- ва 30-сонли умумтаълим мактабларида ўрганиш олиб борилди.

Хусусан, 30-сонли умумтаълим мактабидидаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати умуман талабга жавоб бермайди. Омбор мавжуд, лекин қозонхоналар ўрнатилмаган. Болалар совуқ хо-

наларда қалин устки кийимларда ўтиришибди. Яқинда мазкур мактабда таъмирлаш ишлари олиб борилганига қарамай, аҳвол қониқарли эмас. Биринчи ўқув биноси томининг шиферлари синик, яхши ёпилмаган. Биз мактаб директори билан суҳбатимиз чоғида мазкур камчиликлар нега шу кунга қадар бартараф этилмаганлигига қизиқдик. Мактаб директори бу масалада ташкилотлар томонидан ўрганишлар олиб борилгани, лекин шундан кейин ҳам ўзгариш бўлмаганлигини билдирди. Таълим даргоҳида ҳолат чиндан ҳам ташвишланарли. Энг ачинарлиси, негадир мутасаддиларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳаттоки мактаб директорининг гапларидан ҳам лоқайдликнинг иси келади. Биз бу масалани туман халқ таълими бўлими билан муҳокама қилишга келишиб олдик.

Ўрганишларимизни давом эттириб, 50-сонли



Ноябрь ойининг иккинчи ярми ҳам бошланди. Ҳавонинг авзойи тез-тез бузилиб, аста-секин совимоқда. Кўкда баъзан булутлар қўпайиб, ёғингарчиликдан дарак бермоқда. Мактабларда куз-қиш мавсумига қандай тайёргарлик кўрилан? Педагоглар ва ўқувчилар учун яратилган шароитлар қониқарлими? Шу кунларда “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши фаоллари шу каби саволларга жавоб топиш учун таълим масканларидаги ҳолат билан яқиндан танишмоқдалар.

Худудлардан келаётган хабарларга қараганда, мавсумга ҳозирлик, умуман олганда, ёмон эмас. Аммо айрим жойларда камчиликлар ҳам учраб турибди. Улар мутасаддиларнинг беларволиги, ташкилотчилик етишмаганлиги, халқ таълими бўлими раҳбарларининг масъулиятсизлиги сифатида баҳоланиши мумкин.

Мингбулоқлик партиядошларимиз кунни кеча тумандаги 7-мактабда бўлдлар. У бир неча ўқув биносидан иборат. Бу ерда 1100 дан зиёд ўғил-қиз таълим олади. Уларнинг аксарияти синф хоналаридаги машғулотларда иссиқ кийинган ҳолда қатнашмоқдалар. Нега?

Туман партия кенгаши раиси Раъноҳон Умарова, Ёшлар парламенти аъзоси Нозима Акбарова, шу худуддаги “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари мактаб директори Баҳодир Қодиралиев ҳамроҳлигида синф хоналарини айланиб чиқишди. Ўқитувчилар ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Ажаблантирган нарса шу бўлдики, биронта синфда иситиш тизими ишламайди. Батарейлар совуқлигича турибди. Ҳаммаси мактаб қозонхонасидаги ҳолат кўздан кечирилганда аён бўлди. Бу ердаги биронта қозон ишламас экан. Атроф ҳам қаровсиз ҳолатда. Яқин орада ҳеч ким йўламаганлиги сезилиб турибди.

– Қозонлар яроқсиз ҳолатда, уларни янгилаш керак, – дея оёқ берди мактаб директори Б. Қодиралиев. – “Очик бюджет” орқали бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ ютганмиз. Бугун-эрта Тошкентдан янги қозонлар етказиб келинади...

Аммо вақт ўтиб бормоқда-ку. Ҳали қозонларни ўрнатиш, сошлаш, синовдан ўтказиш керак бўлади. Мазкур жараёнлар ҳам муддат талаб қилади. Наҳотки, шу пайтгача бу нарса ҳеч кимнинг хаёлига келмаган? Директорнинг айтишича, қозонлар кўмир ёрдамида иситилади. Ҳозиргача 90 тонналик захира жамғарилган. Яна 50 тонна ёқилги зарур. Бу масаланинг ечимини ҳам тезда топиш лозим.

Ўйлаймизки, Мингбулоқ тумани ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими мутасаддилари 7-мактабда юзага келган вазиятни таҳлил қилиб, уни тезда ўнглаш чораларини кўрадилар.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Ҳар йили совуқ кунлар яқинлашиши билан мавсумга жиддий тайёргарлик бошланади. Бусиз иложи йўқ. Чунки олдиндан иситиш ва энергия билан таъминлаш чораси кўрилмаसा, ҳаво совий кетаганда қийин аҳолага тушиб қолиш маълум. Хусусан, умумтаълим мактабларида куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўришининг аҳамияти катта. Чунки таълим сифатини янада яхшилашда тизимга тааллуқли ҳар қандай юмуш муҳим ўрин тутади.

Одатда, халқимиз қиш ғамини ёзда кўради. Ахир куз-қиш мавсумининг кўнгилдагидек ўтиши бугунги саъй-ҳаракатларга боғлиқ. Шу мақсадида “Адолат” СДП Жиззах вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатларидан таркиб топган ишчи гуруҳлар вилоят мактабларидаги мавсумга тайёргарлик ҳолатини ўрганиб чиқишмоқда.

Хусусан, партиясининг Жиззах шаҳар кенгаши ходимлари ва халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутатларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан шаҳардаги умумтаълим мактабларидаги аҳвол ўрганилганда куйидагилар аниқланди.

Шаҳардаги мавжуд 29 та умумтаълим мактабларининг кўпчилиги қисман ёки тўлиқ таъмирдан чиқарилганлиги сабабли мактаблар ҳолати яхши. Ҳеч қайсида томондан чакка ўтмиш ҳолати кузатилмади. Кириш ва чиқиш эшиклари зич ёпилади, дераза ромлари зич, ойналари бутун, шу сабабли синф хоналаридаги ва коридорлардаги ҳаво ҳарорати мўътадиллиги таъминланган. Барча мактаблар тўлиқ табиий газ билан иситилади ҳамда мактабларда газ ҳисоблагичлари ўрнатилган. Газ ҳисоблагичлари Жиззах шаҳар газ таъминоти томонидан сертификатлаштирилган. Ҳар бир мактабнинг қозонхоналари мавжуд. Фақатгина 4-мактаб марказий иситиш тизимига улланган бўлиб, шу орқали иситилади. Иситиш тизими барча мактабларда янги ўқув йили бошланмасдан, яъни август ойида синов текширувларидан ўтказилган.

Мухтасар айтганда, остонада табиатнинг инжиқ мавсуми эшиқ қоқиб турибди. Унинг ҳар бир кун синов. Қиш фаслини беталафот ўтказиш эса унинг “имтиҳон”лариға қанчалик пухта ҳозирлик қўрилганиға боғлиқ. Буни нафақат мутасадди идоралар масъуллари, балки ҳар биримиз бир зум бўлса-да, ёддан кўтармаслигимиз, тайёргарликни пухта кўришимиз лозим.

Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

умумтаълим мактабидида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати билан танишдик. Кўмир ва ўтин захираси мавжуд. Иситиш қозонхоналари сифати ишлаганлиги учун синф хоналари иссиқ. Ўқувчилар яхши билим олишлари учун бироқ шартлар яратилган. 67-сонли умумтаълим мактаби ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Мавсумга тайёргарлик яхши ташкил этилган. Бешта иситиш қозонлари ўрнатилган бўлиб, бир маромда ишлаб турибди. Бундан жуда хурсанд бўлдик. Ахир эрта-миз эгаларининг яхши билим олишлари, уларнинг саломатлиги учун бу жуда муҳим.

Шунингдек, ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар тегишли тартибда бартараф этилиши юзасидан тавсиялар берилди.

Шоҳиста МАМАЖОНОВА, Қува туман кенгаши раиси

Семинар

МЕҲНАТ КОДЕКСИ: ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИАТЛАР

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетидида янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари ва Сенати аъзолари, вазирилик, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари З.Ибрагимова, Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари Б.Матмуратов, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э.Мухитдинов сўзга чиқиб, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига, ундаги ўзгаришлар имтиёз ва имкониятларга тўхталди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда меҳнат муносабатлариға нисбатан янгича ёндашувлар юзага келди. Мулкдорлар ва иш берувчиларнинг сони кескин ошди. Ҳатто жисмоний шахсларға ҳам иш берувчи мақоми берилди. Буларнинг барчаси меҳнат бозоридида янги ислохотларни талаб этади.

Бундай шароитда меҳнат қонунчилигини модернизация қилиш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш давр талаби ҳисобланади. Шу жиҳатдан янги Меҳнат кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва бу жараёнда 10 дан ортиқ халқаро ташкилот, жумладан, Халқаро

меҳнат ташкилотининг қатор конвенциялари, 60 дан зиёд давлатларнинг тажрибалари ўрганилди.

Янги кодексда ҳодимларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишга бағишланган нормалар киритилди. Ушбу нормаларнинг амалга оширилиши ҳодимларнинг шахсий маълумотлари дахлсизлигига бўлган қонуний ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш имконини беради. Шунингдек, қисман иш ҳақи билан таътил бериш тартиби белгиланди. Бу эса экстремал вазиятларда, шу жумладан, пандемияға қарши чораларни амалга оширишда мослашувчанликни таъминлайди.

Илгариги Меҳнат кодексига асосан йиллик асосий таътил муддати ўн беш иш кунини ташкил этарди. Янги тартибга биноан, йиллик асосий таътил таътили давомийлигининг энг кам муддати йилга бир календарь кунни этиб белгиланди ва халқаро стандартға мувофиқлаштирилди. Янги кодексда ҳодим ва иш берувчининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тўлиқ жаҳон стандартларига мослаштирган ҳолда белгилаб берилгани қайд этилди.

Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорқи Кенгеси Раиси ўринбосари Р.Сапарбаев иштирок этди.

“Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

Химоя

Гендер тенглик адолат мезони

Гендер тенглик жамият ривожидида муҳим бўлган ижтимоий муносабатларда дозарб аҳамиятга эга эканлиги бугунги кунда янада яққол намоён бўлмоқда. Шу боис оилада, жамиятда хотин-қизларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоиз, қабул қилинган норматив-меъёрий ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг гендер сиёсати соҳасидаги муҳим қадамлардир.



Хушнoза БАРАТОВА, Қарши шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, партия фаоли

Гендер тушунчаси фақат аёллар манфаатларини ифодаламайди. Ҳар икки жинс вакилларининг ўз орзу ва мақсадлари сари дадил одимлаши, ҳаёт сифатини ошириш учун бир хил имкон бериш кераклигини илгари суради. Айнан ривожланган жамиятнинг талабларидан бири — эркак ва аёл ҳуқуқлари тенглигининг таъминланишида. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир мамлакатда сиёсий ва иқтисодий ўсишга эришишда катта ёрдам бериши табиий.

Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда. Аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тақомиллаштирилиши, аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларининг ташкил топиши, аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигининг оширилиши, ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларға риоя этилишини таъминлаш учун масъул мансабдор шахсларнинг тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитилиши шулар жумласидандир. Гендер тенглигини жорий қилиш нуқтаи назаридан таълимдаги ижобий силжишларни алоҳида таъкидлаш керак. Яъни, 2017 йилдан бошлаб аксарият олий ўқув юрталарида турли мутахассисликлар бўйича сиртки бўлимлар фаолияти тикланди. Таълимнинг ушбу шакли ёш аёлларға болаларини парвариш қилиш ва бошқа оилавий мажбуриятларни бажаришга халал қилмасдан олий маълумот олиш имкониятини беради.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларға эришиш бугунги куннинг дозарб масалаларидан бири бўлиб, бу жараёни янада тақомиллаштириш мақсадида Олий Мажлис Сенати томонидан “Гендер адолат етакчиси” платформаси ишга туширилди. Бундан қўзланган мақсад гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашға қаратилган ислохотларни ҳамда ёшлар ҳаётидаги ўзгариш ва янгилашни, ёшларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш орқали хотин-қизларға нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклиға барҳам беришдан иборатдир. Гендер тенглик соҳаси бўйича аниқ билим ва кўникмаға эга бўлган мингга яқин мустақил фикрловчи ёшлар орасидан саксон нафар йигит-қиз кастинг асосида “Гендер адолат етакчиси” жамоасига саралаб олинди. Ушбу янги тузилма аъзоларининг гендер тенглик борасидаги фаолияти Сенат томонидан қўллаб-қувватланади.

Демак, лозим чоғларда фуқаролар гендер адолат фаоллигига мурожаат қилиши мумкин. Биз эса тегишли органларни бундан тезликда хабардор қилиб, зудлик билан ёрдам бериш чораларини кўраимиз. Зеро, қийин вазиятға тушиб қолганда қаерға мурожаат қилишни билмайдиган, билса ҳам бунга журъат эта олмайдиганлар ҳам орамизда бор.

Гендер тенглик — жамиятда ҳуқуқ устуворлигини таъминлашға хизмат қиладиган муҳим механизм. Аммо ҳаётда ҳуқуқи бузилаётган шахслар, айниқса, хотин-қизлар, опа-сингилларимиз учраб туради. Уларни ҳимоя қилишға ҳисса қўшиш, жамиятдаги мавқенин ошириш бизнинг асосий мақсадимиздир.



ДАВЛАТ БАЙРОҒИ —

бахт ва ифтихоримиз тимсоли

Давлат байроғи миллатнинг бирлиги, мустақиллиги тимсоли сифатида ўша халқнинг орзу-истакларини, умидларини, келажакка бўлган ишончини ўзида ифода этади. Дунёдаги деярли барча мустақил давлатлар ўз байроғига эга. Конституция-мизнинг 5-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган давлат рамзлари: байроғи, герби ва мадҳиясига эга”, деб таъкидланган бўлиб, ушбу модданинг “Давлат суверенитети” деб номланган бўда келтирилган давлат рамзларининг мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида қанчалик муҳим ўрин тутишини аниқлатади.



Таваккал ЧОРИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати

Мамлакат ва жамият тараққиёти ҳамда унинг барқарорлигида давлат рамзларининг алоҳида ўрни бор. Шу маънода миллий байроғимиз давлат ва жамият ҳаёти, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳамда ролини кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар биримиз учун ифтихор тимсоли ҳисобланади. Тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, Амир Темури бобомизга пири Сайид Барака Амир Хусайн қарши жангга киришдан олдин байроқ ва ногора тақдим этган. Соҳибқирон ҳокимият тепасига келгандан кейин ҳам давлат рамзларига ниҳоятда катта аҳамият берган, айниқса, давлатнинг байроғига. Жанг вақтида агар битта жангчи тирик қолса ҳам, у мамлакат байроғини баланд тутсин, дея фармон берган.

Давлат рамзлари ҳамisha муқаддас ҳисобланган. Чунки у халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажакни ўзида муҳасамма этган Ватанимизнинг ёрқин тимсолидир. Ўзбекистонимиз истиқлолга эришган, энг аввало, давлатимиз рамзлари тасдиқланди. 1991 йил 18 ноябрь халқимиз ёдига ўчмас ва қутлуғ саналардан бири бўлиб қолди. Шу кун “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 2-3-моддаларида байроғимиз Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини рами эканлиги, халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлиши белгилаб қўйилди.

2010 йилнинг 24 декабрида “Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун имзоланди. Ушбу қонунга биноан, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонунлар ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қатор ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилди. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси тўртинчи қисмидаги “Янги ой ва юлдузларнинг” деган сўзлар “Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузларнинг” деган сўзлар билан алмаштирилди. Бу эса байроғимиз тасвири ҳақидаги тасавури янада аниқлаштирди. Маълумки, янги ой — мустақиллигимизни, ўн икки юлдуз беғуборлик, донишмандлик ифодаси сифатида муқаддас Ватанимизда яшаётган инсонлар ҳамisha қимликка интилиши ва саодатга элтувчи йўлни танлашини билдиради.

Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилар Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари — давлат реестрига киритилган ҳаво кемаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемалари

рига, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автотранспорт воситалари ва улар тиркачаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига қўйилади. Давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметлар, ўқув-тарбия жараёни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат муқомларининг асосий сифатида фойдаланилиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, байроғимиз республикамиз дунёда халқаро ҳамжамиятнинг тенглар ичра тенг аъзоси эканлигини аниқлатади ва ўзида миллий-маданий анъаналаримизни муҳасаммаштиради. У бизнинг ҳеч қандам кам эмаслигимиз ҳамда асло кам бўлмашлигимизни яққол намойён этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, байроғимизнинг эъзозлаш фуқароларда ўзининг қадр-қимматига, ўз мамлакатига ва шахсига бўлган ишончини янада муҳасаммаштиради.

Бугун миллий байроғимиз давлат идора ҳамда муассасалари, ўқув юрталари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқида ҳилпираб турибди. Турли байрам тантаналари, мамлакатимиз аъзолари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар, нуфузли спорт мусобақаларида ҳам байроғимиз Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг гурурини ёрқин акс эттирмоқда. Байроқ ўзида давлатнинг тарихий қиёфасини, урф-одатлари, маданияти, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳам мажозий равишда муҳасаммаштиради. Бугунги кунда спортчиларимиз нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтарганидан ҳар биримизнинг қалбимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлади. Нафақат спорт соҳасида, шунингдек, илм-у маърифатда ҳам юртимизнинг шон-шарафини оламга ёётган, байроғимиз юксакларда ҳилпирашига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган фидоий инсонларни кўриб, уларга ҳавс қиламиз. Аслини олганда, шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаро давлатимиз рамзларига нисбатан ҳурмат-эҳтиромда бўлиши, Ватанимиз равангига ўзининг ҳиссасини қўйиши интилий яшаш лозим. Ҳар биримиз мана шу масъулиятни чуқур англасак ва ҳаракат қилсак, байроғимиз янада юксакларда ҳилпирайверди.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонунда нодавлат ношикорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмаслиги ҳамда Давлат байроғининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг рекузитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмаслиги белгиленган. Ҳар йили анъанага кўра, турли давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан Мустақиллик байрами ҳамда 9 май — Хотин ва Қадрлаш куну муносабати билан жамоатчилик байрамининг қутулган тухфаси сифатида байроғимиз акс эттирилган сувенир, ленталар ва бошқа махсулотлар миллионлаб нусхада ишлаб чиқарилади ҳамда кўп ҳолларда у беғараз тақдим этилади. Албатта, юрагида Ватан туйғуси жўш урган одам бундай ватанпарварликка, бирдамликка қароғчи давлат рамзлари акс этган эсдалик соғовларини жон дилидан яқинларига ҳам улашади. Ваҳоланки, давлат байроғи акси туширилган бундай махсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш юқоридоғи қонун билан тартибга солинмаган. Қонунда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас”лиги белгиленган.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг дунёда мавжуд бўлган 200 дан ортқ давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам мустақиллик, ҳурлик, тинчлик ва барқарорлик тимсоли бўлган ўз давлат рамзларига эга бўлиб, уларни тартибга солувчи мустақкам қонунчилик базасини яратди.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт” эканлиги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади”, деган қишлоқ тартибга солувчи нормалар билан ўз ифодасини топан.

Ниятимиз шуки, давлатимиз байроғи тинч ва оқсоқил, озода ҳамда эркин ҳаётимиз, ёруғ келажакимизга бўлган ишончимиз тимсоли сифатида доимо баланд ҳилпирайверсин.

Маъруфжон ТЕШАБОЕВ,
халқ депутатлари Косонсой туман Кенгаши депутати,
12-умумтаълим мактаби директори:

«ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ!»

Ўтаётган ҳар бир кун биз учун қадри ва бебаҳолик. Бу кунларни орзу қилиб ўтган аждоғларимиз ҳаққи-ҳурмати бизга аталган фараҳбахш кунларни кўз қорачиғидай асрашимиз керак. Замонамиз тинч, турмушимиз фаровон. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Қисқа вақт ичида мамлакатимиз халқаро доирада ўз ўрнини топти. Энг муҳими, атрофдаги давлатлар билан қўшничилик ва бирдамлик муносабатлари қайта тикланди. Бу билан сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда илчил қадамлар қўйилмоқда. Илм-фан, техника ривож йўлида ҳар кун янги бир марра кўлга киритилмоқда. Бир сўз билан айтганда, халқнинг турмуш тарзига дахлдор барча соҳаларда дадил қадамлар ташланмоқда. Энг асосийси, ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбияси бўлган муносабат тўдан янги қиёфа касб этмоқда. Боғчадан тортиб, олий таълимгача бўлган босқичда мустақкам занжир пайдо бўлди. Ёшлар — мамлакат келажак, деган ибора кун сайин янгича мазмун касб этмоқда. Чунки кун сайин бир неча юзлаб жажжи ўғил-қизлар дунёга келмоқда. Кун кеча муваққатликнинг биринчи қалдирғочлари дунёга келди, деб ҳавотлан бўлсак, ўтган ўттиз йилдан зиёдор вақт ичида уларнинг сони бир неча миллион нафардан ортди. Ўттиз ёшли йигит-қизлар бугун халқ ҳўжалигининг турли жаҳаларида меҳнат қилмоқда. Улар орасидан олимлар, ёзувчи-шоирлар етишиб чиқди. Қобилиятлари раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Кечяги ўқувчи бугун устозлик ва мураббийлик макомига эришди. Бироқ тезкор замон кун сайин бир янгиликни талаб қилмоқда. Ечимини кутаётган муаммолар етарли. Уларни бир йўла бартараф этиб бўлмайди. Бунинг учун изланиш, қунт, сабр ва яқдил ҳаракат керак бўлади.

Ҳадиси шарифда: «Илмдан бошқа нажот йўқ!» дейилган. Дарҳақиқат, бу ҳаётда инсониятни разолатдан, қабоҳатдан, укубатдан фақат илм қўтқара олади, холос. Буни қарийб қирқ йиллик ўқитувчилик фаолиятимда аниқ англаб етдим. Олий илм даргоҳини битириб, ўқитувчи деган шарафли ном билан мактаб остонасига қадам қўйган чоғларимни яхши эслаймман. Уша пайтларда ўқитувчи қолхозчига тенглашиб қолганди. Бахтга қарши, биздан олдингиларнинг, қисман бизнинг ҳам ҳаётимизнинг асосий қисми далада ўтди. Оёғимизга қачон туфли қиямиз экан, деб жигибийрон бўлиб юрамдик. Чунки биринчи сентябрдан этик кийиб, ўқувчиларимиз билан бирга пахтазорга отланардик. Қаердадир бутун бошли завод катта-кичик ўлчамдаги этиклар тиқиб чиқариш билан банд бўлардик. Катта-кичининг оёғида этик. Болаларнинг қилган меҳнатига қараб қишда журнал тўладириб, баҳолардик. Лекин тигиз бўлишга қарамай, таълим-тарбия ишини етказиб олиш ҳаракатида бўлардик. Хаёлан бугунги кунлар келишидан умидвор яшардик.

Ушанда ҳам фарзандининг таълим олиши учун ота-оналарда қизиқиш бор эди. Ота-она ва ўқитувчининг фикри бир ердан чиқиб, бироз қаттиққўллик ҳам қилишга тўғри келарди. Ахир бутун бошли авлод саводсиз бўлиб қолиши мумкин эди-да. Энди ўйлаб қарасам, ўша пайтдаги «сиёсатчилар»нинг мақсади халқни бевасов қилиш бўлган экан. Бугун, шуқўрқи, ҳаётимиз тўдан ўзгарди. Илоҳим ўша кунлар қайтиб келмасин. Ўқитувчисиз, ўқувчисиз ҳам пахта бўлаверар экан-ку?!

Туман халқ таълими бўлимига қарашли 12-сонли умумтаълим мактабидир директор бўлиб иш бошлаганимга кўп бўлмади. Афсуски, мактаб битирувчилари орасида олий ўқув юртига кириб ўқийман, деган фикрдаги бола йўқ ҳисоби эди. Нега шундай? Бу масала роса бошимни қотирди. Мактабда бор-йўғи 350-400 нафар ўқувчи таълим олади. Мактаб замонавий, оналар ёруғ, етарли таълим олиш учун барча шароит яратилган. Фанлар бўйича малакали ўқитувчилар ва ўқув жиҳозлари етарли. Лекин қанча куйиб-пишганимиз билан натижа йўқ. Аста ҳолатини ўргандим. Маълум бўлишича, асосий гап ота-оналарда экан. Улар билан суҳбатлашган чоғимизда: «Ўқиб нима бўларди? Ундан кўра болам ҳунар ўргангани яхши. Олий маълумотли бўлиб, оиласини зўрга тебратиб юргандан кўра, хорижда ишлаб, кўпроқ пул топсин!», дегувчилар ҳам бўлди. Уларнинг фикрига қарши тарғибот ишлари олиб бордик. Охири-охирида тушунтиришлар натижа берди. Бу йил 21 нафар битирувчидан 5 нафари олий ўқув юрти талабаси бўлди. Бу рақам мақтанлишга арзимайди. Лекин ҳар ҳолда, натижа бор. Аъзамжон Қодиржонов АҚШдаги нуфузли олийгоҳга, Дилноза Абдуллажоновна Ўзбекистон Миллий университетига, Муҳаммадсоли Абдуллахонов Самарқанд иқтисодий ва сервис институтига ва яна икки нафар битирувчисини қўшни давлат олийгоҳига ўқишга кириш бахтига муяссар бўлди. Бу ҳол мактаб ҳаётига катта таъсир ўтказди. Айни пайтда юқори синф ўқувчиларида таълим олишга бўлган иштиёқ пайдо бўлди. Шу билан биргаликда педагогларнинг сифат жиҳатдан ўсиши ҳам сезиларли ошди.

Ўтган ўқув йилида мактабимизда бир нафар олий тоифали ўқитувчи бўлган бўлса, айни пайтда улар уч нафарга етди. Президентимиз вақти келиб ўқитувчилар ойлук маоши ўн миллион сўмдан кам бўлмайди, деганди. Тўғриси, бу гапга ишонини қийин эди. Лекин айтилган гап амалга оша бошлади. Ўз устида ишлаган рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Толибжон Исмоилов ва инглиз тили ўқитувчиси Дилафруз Мўминова С1 сертификатини қўлга киритганликлари учун ўн миллион сўмдан юқори маош олишмоқда. Илмга яраша берилган рағбат ўз ҳосилини бера бошлади. Ҳавас қилган ўқитувчилар ўз-ўзидан ҳаракатга тушиб қолишди.

Бугун марра олдинга интиланганики. Ростини айтганда, бир мудат ҳамма нарсани телефон ҳал қиладигандек унга боғланиб қолдик. Лекин вақтни беҳуда сарфлаётганимиз сезилиб қолди.



Аваллари китоб доимий ҳамроҳи,
газета ҳаётимизнинг бир бўлаги эди. Илм-фан, техника, сиёсат, маданият, маънавият, адабиёт ва санъатдаги барча янгиликлардан хабардор бўлиб турардик. Бир-биримиз билан баҳслашардик. Газета сотиб олиш учун дўконлар олдида навбатда турардик. Даста-даста матбуот нашрлари хонадонимизга етиб келарди. Дунёқарашимиз кенг, сўзамол эдик. Оламдаги энг сўнгги янгиликлар кўз ўнгимизда намойён бўларди. Газетадан хироқлашганимиз сари руҳан сўниб бордик. Бахслар йўқ. Ҳамсуҳбат топилмайди. Одамлар камгап. Телефондаги олди-қочди мавзулар ва маънавий хабарлар гирдобига ўралашиб қолдик.

Онда-сонда қўлимизга газета тушиб қолса, қўлимизга ғариб кўринар, қўлга олгимиз келмасди. Шунинг учун бўлса керак, газеталар тахталари бузилмай бир четда қолиб кетди. Бунинг устига айрим амалдорлар мажбурий обун баҳонасида ихтиёрли обунани ҳам йўққа чиқаришди. Лекин, яшаш борки, кураш бор. Газеталар ҳам жон сақлаб қолиш учун интила бошлади. Сўз қадри ошди, эркинлиги таъминланди. Қуруқ сафсаталарга хизмат қилаётган сўз ўз ўрнини жиддий сўзга бўшашиб берди. Қуруқ гап қорин тўйдирмаслиги аён бўлди. Жамиятни фалаж қиладиган мақтовларга эҳтиёж қолмади. Катталар ўқимаса, ёшлар ҳам ўқимайди, деган гап ҳақ экан. Бунинг ҳаёт исботлаб берди. Ахир Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий ва Ибрат каби жадид боболаримиз ўз даврида сиёсат майдонига қўлларига газета билан кириб келишмаганмиди? Сармояларини сарфлаб, газета чиқаришмаганмиди? Европада қимматли ускуналарини сотиб олиб келиб, басмахона очтирмаганмиди? Газета энг зўр тарғиботчи эканини англаб етган қаттол тузум эса ўз сиёсатини шу қурол орқали мазлумлар онгига шу қадар сингдириб юборган эканки, ҳали ҳам эски сиёсат қолдиқларидан қўтла олмаяпмиз. Ўқишдан бебаҳра ёшлар ганим кучларининг қилдирмасига ўйнай бошлади. Дунёқарашини ўзгарган одамни қайта тарбиялаш қийин кечаркан. Бу гап ҳам давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати билан юзлаб адашган юртдошларимиз Ватанга қайтарилди. Лекин ҳали-ҳамон орамиздан янги «адашган»лар чиқиб қояпти. Озгина эътибор сусайса, қораниятли кимсаннинг қораси кўринади. Демак, мустақиллик буюк неъмат эканини халқ онгига сингдириш учун кучли билим ва тарғибот керак. Матбуот нашрлари бу борада асосий куч бўлиб хизмат қилади. Бироқ нашрлар ададига назар ташласак, улар жуда ночор. Ахир илгари газета-журналлар миллионлаб нусхада чоп этиларди. Бадиий китоблар-чи?! Катта ададда чоп этилган асарларни ҳам топиш амримаҳол эди. Энди бўлса нари борса, бир-бир ярим минг нусха. Шу ҳам эътибордан четда қолиб кетмоқда. Сабаби, тарғиботнинг кучи йўқ. Айрим раҳбарчалар газета ўқимайди. Аслида ҳар бир зейли инсон газета билан яшashi, ҳамнафас бўлиши зарур. Биз ортимиздан келаётган ёш авлодга ўрнак бўлишимиз керак. Бу борада «Adolat» газетасида журналист Камол Муҳаммад Ёқубнинг, «Ishonch» газетаси бош муҳаррири Ҳусан Эрматовнинг қунончилик билан ёзган мақолаларини ўқиб, «Маърифат ва маънавият» телеканалда таниқли журналист Гучеҳра Умарованинг фикрларини

эшитиб, тўғриси, сергал тортидим. Булар матбуотнинг фидойилари. Қийин пайтда ортга чекинмайди улар. Мен маърифат ходими сифатида «Маърифат» ва «Мураббий» газеталарини ўқимасам, партия аъзоси сифатида «Adolat» газетасига бефарқ бўлсам, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Жаҳон адабиёти», қолаверса, туман ва вилоят газетаси ва журналлари билан танишмасам, саёз фикрим билан қаерга бораман?! Болалар учун «Тонг юлдузи» газетаси, «Ешлик» журнали бор. Уларни ҳам бу матбуот нашрлари билан ҳамроҳ қилишимиз керак. Ўқимаслик, билмаслик, англамаслик, фикрсизлик — одамни гумроқ қилиб қўяди.

Буюқларимизнинг: «Бешиқдан қабергача илм изла!», деган ўғитларини тез-тез эслаб турсак-да, унга амал қилишга панжа орасидан қараймиз. Ахир илм тўғрисида алломаларимиз борлиги ва қўлтиридан ғурурланамиз. Бугун учинчи Уйғониш фасли сари дадил қадам қўйдик. Бу шунчаки гап эмас. Олдимизга буюқ мақсадни қўйган эканмиз, унга, албатта, эришамиз.

Айни кунларда Президентимизнинг яна бир ташаббуси — Ўзбекистонни яшил маконга айлантириш ҳаракати бошланди. Бунинг замирида ҳам катта мақсадлар ётибди. Қаердаки бўш ер бўлса, бир ниҳол қадалмоқда. Аммо ниҳолни экиб қўйган билан иш битмайди. Масъуллар ҳар бир туп дарахтни кўз қорачиғидай асраш вазифаси юкланган. Янги экилган ниҳоллар ҳаял ўтмай юртимиз кўрки, дастурхонимиз тўқинлиги, ҳавомизнинг мусаллафлиги учун хизмат қилади.

Бу иш ҳам ёшлар тарбиясига яхши таъсир ўтказмоқда. Бундан нафақат бизнинг халқимиз, балки атрафимизда яшаб турган қўшни давлатлар ҳам баҳраманд бўлади. Оргимиздан эргашиб келаётган фарзандларимиз ҳам худди ниҳолдай гап. Улар эртанги нурафшон кунимизда билими, салоҳияти билан бутун инсониятга хизмат қилади. Шундай экан, худди бугун экан ниҳолимиз каби ҳар бир фарзандимиз тарбиясига ҳам масъул эканлигини унутмаслигимиз керак. Кун кеча бир синфга кириб кўнглим таскин топди. Мактабимизнинг ижодий-маданий ишлар бўйича тарғиботчиси Аъзамжон Мамажонов Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг «Халқ бўл элим» номли шеърини ёддан ўқиб бераётган экан. Бу шеърни тинглаётган болакаларнинг юз-кўзидоғи ҳаяжонни тил билан ифодалаб бўлмайди. Бу тарбиянинг, қолаверса, Ватанга бўлган муҳаббатнинг юксак намунаси эди.

Келинг, мен ҳам ўз фикрларимни ана шу шеър билан тугаллаб қўя қолай.
*Қадам юртга қайтсан қадам наволарим,
Қўлар босиб кўртамасин дарғларим.
Алломига алла айтимас молларим
Рухини шод этай десанг —
халқ бўл элим!*

*Дунёга боқ, қадди сендек
ким бор яна,
Доғруғи ҳам дарди сендек
ким бор яна.
Халқ бўлишга ҳадди сендек
ким бор яна,
Мозийни ёд этай десанг —
халқ бўл элим!*

*Сен тебратган бешигини Соҳибқирон,
Сенинг болағ юлдузларга
қўйган навоғ.
Бир майзини қирққа бўлсан
бир тану жон —
Қўларингга қайтай десанг —
халқ бўл элим!*

*Дарё бўлиб жўшун энди
заъқи улғу,
Байрамимизда севинч кўз
ёшинга қулдук,
Юртим десанг жасур
Юртбошинга қулдук,
Унга қанот бўлай десанг —
халқ бўл элим!*

*Бўлар элининг болалари
бир-бирин дер,
Бўлмас элининг болалари
бир-бирин ер.
Бир бўл энди, қадр баланд қаддингиз кер,
Халқ бўл элим, халқ бўл элим,
халқ бўл элим!*

Муҳиддин ОМАД ёзиб олди

Партиядошимиз

ВАТАННИ ВЕЛОСИПЕДАДА КЕЗИБ ЧИҚҚАН ИНСОН



Абдурасул Алланазаров 67 ёшга кирганида, унда дафъатан сеvimли улови — велосипедда бутун Ўзбекистонни кезиб чиқиш орзуси туғилди. Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги "Наврўзобод" маҳалласида умргузаронлик қиладиган нуронийнинг бундай қарорга келишига бир воқеа туртки бўлди.

Муҳаммадали АХМАД

Абдурасул ака узоқ йиллар турли ташкилотларда ўрта тиббиёт ходими — фельдшер бўлиб ишлаган. Ҳамкасби йўлдошлари Янгиер шаҳридаги Семашко номидаги санаторийда эди. Уни кўргани бориб, бир гуруҳ дам олувчиларга ўз қарорини айтганда, дўсти:

— Шаргинг кетиб, партинг қолганда ўзингни қийнаб нима қиласан? Намозингни ўқиб, оёгингни узатиб ётмайсанми, биродар? — дея написанд гап қилди.

Абдурасул ака ҳам ўта қайсар, бир ишга қўл урса, охирига етказмай қўймади. Қароридан қайтмади. Шу жойда икки дўст гаров бойлашди.

— Ўзбекистон бўйлаб велосипедда саёҳатни уйдирасан, мана шу одамларга қўлинг ўргилсин ош қилиб бериш менга тан!

Гувоҳлар Абдурасул ва Йўлдошларнинг қўлларини кесишди. Шу ернинг ўзида Абдурасулнинг хожи исми дам олувчининг саҳийлиги тутиб кетди. Абдурасулга ҳозирок велосипед сова қилишини билдирди. Уйига сим қоқиб, фарзандларига ўтган ҳафта харид қилган янги велосипедини тайёрлаб қўйишни тайинлади.

Ўшанда авжи баҳор эди. Уйига бориб аёли Анорхонга Жиззахдаги қариндошларини кўриб келмоқчилигини айтди. Гап орасида бу юмушни велосипедда амалга оширишнинг қийинлигини қистириб ўтди. Оиладагиларнинг бари

"ҳай-ҳай"лашдилар. Бу "ҳай-ҳай"лар ҳам Абдурасул акага таъсир қилмади.

2016 йилнинг апрель ойида "Урал" русумли велосипедида "Жиззах, қайдасан" деб йўлга тушди. Сафар хуржунига емаклар ва велосипеднинг эҳтиёт қисмларини солди. Абдурасул ака велосипедда юравериб унинг пири, устаси бўлиб кетганди. Уловининг кулидан кириб, ўтидан чиқарди. Бўстон шаҳрига яқинлашганда велосипед камераси тешилиб, ел чиқарди. Бир пасда камерани алмаштириб, манзили сари равона бўлди. Шундан кейин отахоннинг мамлакатимиз бўйлаб катта саёҳати бошланди. 2017 йилнинг июнь-июль ойларида Самарқанд Бухорога борди, август-сентябрь ойларида Қамчиқ домини орқали водийга йўл олди. 2018 йил Мустақиллик байрами арафасида мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрига сафар уюштирди.

Ўзига ишончи ортган саёҳатчи 2019 йил вилоят Туризм ва спорт бошқармасига (ўша пайтда шундай номланарди) борди. Қўшни давлатлар ва Россия бўйлаб велосипедда саёҳат қилмоқчилигини айтди. Бироқ бошқармадагилар ишонинқирамай, кулиб қўйишди. Йўли бўлган йигитнинг олдида янғаси чиқар, деган нақл ролди экан. Бошқарма билан бир бинода жойлашган "Адолат" СДП Сирдарё вилоят кенгашининг ўша пайтдаги раҳбари Дилшубон Абдуллаева залда отахон билан рўбарў бўлди. Суҳбат асосида отахоннинг ниятини билиб, хонасига таклиф этди. Абдурасул

Алланазаров дардини дастурхон қилди.

— Отагинам, қўшни давлатларда нима қиласиз? Қорақалпоғистонга боринг. Айни чоғда у ерда оламшумул бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозир ҳамманинг нигоҳи Мўйноққа қаратилган. Сизга биз ҳомилик қиламиз, — деди.

Шу ернинг ўзида Абдурасул Алланазаров "Адолат" СДП сафига кирди. 2019 йилнинг айни ёз чилласи — 18 июлда қадрдон "Урал" велосипедида "Қайдасан, Мўйноқ?" дея йўлга тушди. Қайси аҳоли пунктига бормасин, "адолат"чилар уни очик чехра билан кутиб олишди. Йўл озгини муҳайё қилишди. Аҳоли пунктлари сийрак жойларда қийинчиликларга ҳам дуч келди. Бироқ уларни енгиб ўтди.

Бир ойдан зиёд вақт ичида у Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти Нукус шаҳрига етиб борди. Бундай ҳисоб-китоб қилиб қараса, ҳар куни 40-45 чақирим йўл босиб ўтибди. Сайёҳни Нукусда "Адолат" СДПнинг фаоллари иззат-икром билан кутиб олишди. Меҳмонхонадан жой қилиб беришди.

Кейинги манзил Мўйноқ бўлди. Орол денгизининг тўлиб-чалқиб турган тошқин сувлари бир вақтлар Мўйноқдаги кема-лар тўхтайдиган портга файз бағишларди. Айни чоғда денгиз шаҳардан узоқларга "қочиб" кетган. Балиқчилар шаҳри бўлган Мўйноққа қумларга кўмилган кема-лар мерос бўлиб қолган. Шаҳар хароба қиёфага кириб қолганлиги туфайли ёшлар Мўй-

ноқни тарк эта бошлаганди. Президентимиз ва халқимизнинг собит иродаси туфайли шаҳар иккинчи баҳорини бошдан кечираётганди. Мўйноқда замонавий бинолар, маъмурий, маданий-маиший иншоотлар қад ростлади. Шаҳарни ташлаб кетганлар қайтиб кела бошлашди. Бутун дунёдан қайта тирилган шаҳарни кўришга сайёҳлар оқиб кела бошладилар.

Велосипеддан гап очилгудай бўлса, Абдурасул аканинг гап халтаси очилиб кетади. Қатор таклифларни қалаштириб ташлайди. Рўйи заминда глобал масалалар кўтарилган бир пайтда экологик тоза транспорт саналмиш велосипедга эҳтиёж кучаймоқда. Барча шаҳарларда велосипедлар юрадиган махсус йўлакчалар қуришни даврнинг ўзи тақозо этаётир. Ташкилот ва муассасаларда ишга велосипедда қатнайдиغان ходимларни қўллаб-қувватлаш, имкони топилса, моддий ва маънавий рағбатлантириш жоиз.

— Велосипедда сайру саёҳат қилиш менга куч-қувват, саломатлик бағишлайди. Ўзимни қушдай енгиб ҳис этаман. Қолаверса, жаннатмонанд юртимиз ва қўшни давлатларни ўз кўзим билан кўришни истайман. Халқимиз бежиз "Юрган — дарё, ўтирган — бўйра", деб нақл тўқмаган. Коронавирус балоси бўлмаганда аллақачон анча жойларни кезиб чиққан бўлардим. Жаҳонгашталик мен учун кўнгил осойишталигидир, — дейди қаҳрамонимиз.

Суратда Абдурасул Алланазаров (ўртада)

Ўсмон Носир таваллудининг 110 йиллигига



Жорий йилнинг 10 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оташнинг шoir, таржимон ва драматург Ўсмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида" қабул қилган қарорини шoir ижоди ва ҳаётини янада теранроқ, муфассалроқ ўрганишга хизмат қилди. Ижодкорларимиз шoir ҳақида сахна асарлари, шеър-дostonлар яратмоқдалар.

Ғайрат МАЖИД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Дарҳақиқат, бетакрор истеъдод соҳиби, юксак матонати ва халқпарварлиги билан ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган, мустабид тузум даврида сийсий қатагон қурбони бўлган оташнинг шoir, таржимон ва драматург Ўсмон Носир элимизнинг улуг фарзандларидан биридир. Унинг эзю инсоний ғазаллари, Ватанга муҳаббат ва садоқат, келажакка юксак ишонч туйғуси билан йўғрилган етук бадиий асарларининг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс.

13 ноябрь — XX аср ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган оташнафас шoir ва драматург Ўсмон Носир таваллуд топган кун муносабат билан Намангандаги "Адиблар хибони"га туташ майдонда Ўсмон Носир ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўсмон Носирнинг сўзини сўзи

Тумшуги қип-қизил, Бу калхат — авбош, Қонингни сўрмоқда жоним — ўзбегим. Нечун зомиларга отмайдилар тош, Бир сўз демас ҳеч ким, Нега ҳамма жим.

Калхатнинг ёнида турган қарчиғай, Болангми, Болангми, ахир у сотқин. Қўшилиб қонингни ичмоқда у ҳам, Ҳамон гапирмайсан, Ох, сен ҳамон жим.

Мен эдим, Чўлпондан кейинги нишон, Шеър — иймон, Совурмоқ мумкинмас елга. Чўлпондек сўзладим, рост сўзни ишон, Хиёнат қилмадим Ватанга, элга.

Сен озод яшагин, Халқим сенга тан, Бирлашаск ғанимнинг етмайди кучи. Сен борсан, Ўлимдан кўрқмайман, Ватан, "Ассалом, Ассалом дорнинг оғочи!"

Ибрат

Устоз шогирди билан дала айланиб юриб, эски этикни кўриб қолишди. Икковлари ҳам: «Шу ерда ишлаётган бирор кимсаники бўлса керак. Олиб кетиш учун қайтиб келади», деб ўйлашди.

Шогирд устозига:

— Устоз, этикни беркитиб, эгасини бир кўрқитмайми? Олгани келганда жойида йўқлигини кўриб, нима қилишни томоша қиламиз, — деди.

Устоз шогирдига танбех бериб, шундай деди:

— Болам, бошқаларни хафа қилиш билан ўзини хурсанд қилиш ярамайди. Лекин сен бой-бадавлат одамсан. Камбағалнинг этигага пул солиб, химмат қилгин-да, яшириниб, унинг ўзини қандай тутушини кузатиб тур. Унинг хурсандлигини кўриб,

ЭНГ ГЎЗАА ХАДЯ



ўзинг ҳам хурсанд бўласан.

Устознинг бу таклифи шогирдига маъқул келди. У этикнинг иккала пойига ҳам пул солди. Сўнга нима бўлишни кузатиш

учун устози билан бирга дарахт панасига яширинишди.

Бироз ўтиб, этикнинг эгаси келди. У этикни киймоқчи бўлган эди, оёғига ни-

мадир теги. Этикнинг ичига қаради-ю, пулни кўриб, ҳайратланди. Иккинчи пойини ҳам киймоқчи эди, оёғи яна бир нарсага теги. Яна этикнинг ичига қаради. Унинг ичига ҳам пул бор эди.

Декхон пулларни қўлига оларкан, ҳайрат билан тикилиб қолди. У ҳар тарафга аланалаб қаради. Ҳеч кимни тополмади. Пулларни маҳкам сиқимлаб, чўнтагига солди. Сўнг... У қадок қўлларини самога чўзиб, тиззалаб ўтириб қолди. Унинг кўксидан отилиб чиққан йиғи аралаш нидо атрофга ёйилди. Бу нидолар унинг улуг Зотга илтижолари эди:

«Эй, Роббим! Сен раҳмли ва меҳрибон Зотсан! Ўзингга шукрлар бўлсин...

Эй, Роббим! Аёлимнинг бетоблигини, болаларимнинг қорни очлигини билиб, дардимизга малҳам бўлдинг!

Эй, Роббим! Мени ҳалокатдан, изтиробдан қутқариб қолдинг!»

У роббоний саховатга шукр қилган ҳолда осмонга термулганча йилгларди...

Бу ҳолатдан таъсирланган шогирдининг ҳам кўзларига ёш келди. Устоз эса табассуру билан:

— Сенинг таклифиндан кўра менинг таклифим сени кўпроқ хурсанд қилмадими?! — деди.

Шогирд «ҳа», дегандек бош ирғади. У устозидан миннатдор бўлиб, шундай деди:

— Устоз, бугун мен «Берганинда олганидан кўра кўпроқ бахтиёр бўласан», деган ҳикматини маъносини аналаб етдим.

Устоз шогирдининг гапларидан мамнун бўлди. Унга яна шундай деди:

— Жазолашга қодир бўла туриб, кечириб ҳам ҳадядор.

Биродаринга билдирмай дуои хайр қилиш ҳам ҳадядор.

Узрни қабул қилиш ва ёмон гумон қилмаслик ҳам ҳадядор.

Биродарини йўғида уни гийбат қилаётганларни тўхтатиш ҳам ҳадядор.

Тўтиё АБДУЛҚАХХОР қизи тайёрлади

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI Muassis: «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Бош мухаррир: Ислом ХАМРОЕВ Тахрир хайъати: Баҳром АБДУХАЛИМОВ Наримон УМАРОВ Муҳаммад АЛИ Гавхар АЛИМОВА Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА Қодир ЖўРАЕВ

Ўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); 71 288-42-14 (144); 71 288-42-12 (132); Кабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15 Масьул котиб — Абдугани Мамасодиқов Навбатчи мухаррир — Камол Матқубов

1995 йил 22 февралдан чика бошлаган info@adolatg.uz adolatg-95@mail.ru ISSN 2013-5217

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1100 Адади — 1303 Босинга топширилган вақти — 21.00 Босинга топширилди — 21.00 Баҳоси келишилган нархда Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. «Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.